

Далаларимизнинг катта қисмини кам меҳнат талаб қилиб, кўпроқ фойда берадиган қишлоқ хўжалиги экинларига ажрагадиган вақт етганига чорак аср бўлди. Озиқ-овқат мўл бўлиши учун жамоат чорвачилигини – хусусий чорвачиликни ривожлантириш айти муддао. Бунинг учун чорвабоп минтақаларни пахта ва Каримов яккахокимлигидан қутқариб, ҳақиқий эгаларига топшириш лозим. Ўзбекистонда пахта каби буғдой етиштириш ҳам самарасиз соҳа ҳисобланади.

Буғдой кўп меҳнат талаб қилиб, кам ҳосил беради. Бир гектар ердаги буғдой ҳосили ўртача 10 – 20 сентинердан ошмайди. Бир гектар ердан икки тонна буғдой олиш, уят



иложини топадилар. Масалан, маҳсулотни сотуш учун 4 – 5 та ёки 10 та фермер бирлашиб, битта фура сотиб олади. Шунда, маҳсулотнинг тан нархи, деярли ошмайди. Бу унинг тез ва сифатини йўқотмасидан сотилишига ижобий таъсир кўрсатади. Россияда ёки хорижий бошқа бир мамлакатда юриган фермерларнинг ака-укалари юкни қабул қилиб олиб, Ўзбекистон маҳсулотларини ўша юрт бозорларида ўзлари сотадилар. Уртада туриб, ўзбекининг қора меҳнати эвазига осонгина бойиётганлар, деҳқон қолиб маҳсулотнинг асосий қисмини туя қилаётганларнинг шунда нафсига болта урилади. Фойданинг асосий қисми, яна турли усуллар билан

КАРИМОВ ШУ ИККИ ШАХС ЧИЗИБ БЕРГАН ЧИЗИҚДАН ЧЕТГА ЧИҚОЛМАЙДИ...

эмасми? Бундан ташқари, бизда етиштириладиган буғдойнинг озубоқчилигини Қозоғистонда етиштириладиган буғдойнинг озубоқчилиги билан таққослаб бўлмайди. Бизда етиштириладиган буғдойнинг озубоқчилик миқдори жуда ҳам паст. Яна, бир гектар ердан йиғилган икки тонна буғдойни унга айлантурсак, 1,5 тонна ун чиқади. Бир гектар ерга помидор экилсачи? Камида, 50 тонна ҳосил беради. Уни олиб бориб Қозоғистонга сотиб, унинг дароматига Қозоғистондан икки юз тонна аёло сифатли унни сотиб олсак бўлади.

Бизда, яна Ташқи иқтисодий алоқалар, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги деган текинхўр ва юзсиз ташкилотлар бор. Фермерлар ва деҳқонларни Каримовга пичоқсиз сўйиб берадиган бу каби қони зарар вазирликларни ёпиб ташлаб, фермерларнинг оёқ-қўлларига кўринмас қишанларни ечиб ташлаш вақти етди. Фермерларга прокуратура, ички ишлар бошқармаси ходимлари зуғуми билан ҳаракатга келадиган жандарм вазирликлар эмас, қишлоқ

хўжалиги ривожини учун беминнат ёрдам берадиган ташкилотлар зарур.

Улар деҳқонларга фойдали маслаҳатлар берсин, яхши ўғитлар ва маҳаллий шароитларга мос тушадиган техникалар топиб беришда ташаббус кўрсатсин, тавсиялар ишлаб чиқсин. Улар, Каримовнинг умрида қуруқ таёқни ерга суқиб кўрмаган жандармлари сингари фермерларга экиш-тиқишни ўргатмасин, минг машаққат билан етиштирган маҳсулотини сотаётганда, уларга ҳалақит бермасин. Адолат, халққа ихтиёр беришдан, халқнинг ўз нарсасига ўзи эғалик этишидан бошланади. Ўзига тегишли бўлмаган нарсаларни Каримовчасига ўмаришдан, тайёрга айёрликдан – бақавуллик сиёсатидан тамоман воз кечиш зарур.

Каримов чорак асрдан буён халқнинг бошида қонуний қароқчилик ёхуд беҳаёларча ўғирликни амалга ошириб келмоқда. Фермерларнинг ихтиёри ўзларида экан, улар ҳар нарсанинг

Ўзбекистонга қайтиб келади.

Ўзбекистонда етиштириладиган мева-чева, полиз экинларига эҳтиёжи баланд юртларга маҳсулот арзон гаров етиб борса, табиқий, ўша юртларда ўзбек бозорлари пайдо бўла бошлайди. Бу ўзбекнинг мавқеини кўтариши билан бир пайтда, унинг ҳақиқий мустақиллигини, ўзига хос усуллари афзаллигини кўрсатади. Сотилган маҳсулотлар ҳисобидан Ўзбекистон бозорларида ва Яқин Шарққача бўлган минтақалардаги давлатларда сотиладиган бозори чакқон товарлар олиб қайтилади. Бу ўзбек фермерининг қўлидаги бир сўмни ўн сўмга, ўн сўмни юз сўмга айлантиради.

Ч о р в а ч и л и к н и ривожлантиришнинг орқасидан ҳам юз минглаб иш ўринлари пайдо қилса бўлади. Ўзбекистон Каримов балосидан халос бўлса, мамлакат ишсизлик муаммосидан олти ойда қутулади. Бу учун бутун ташаббусни халқнинг ўзига бериб, ҳукумат уни адолатли қонунлар

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

асосида қўллаб-қувватлаб турса, бас. Халқ Каримовга ўхшаган ақдонлардан кўра, милён баравар ақлли ва донорокдир. Унга ихтиёр бериш зарур. Унга озодлик ва хурлик керак. Бошқа нимаики бор, у жуда усталик билан амалга оширади. Унга кишлок хўжалигини топшириб қўйган каби хусусий чорвачиликни ривожлантиришни ҳам топширадиган кунлар етяди. Бу соҳада ҳам ўтлоқларни тиклаш билан бир пайтда, кўшни Қозоғистон ва Туркмаристондан доимий равишда арзон чорва озукаси сотиб олиш фойдадан холи бўлмайди. Чорвачилик ҳам кишлок хўжалиги сингари жуда ранг-баранг соҳа. Биз ота-боболаримиз каби бошқа турлар каторида милёнлаб қўй етиштиришни, уларнинг наслини тинмасдан яхшилаб боришни йўлга қўйишимиз лозим.

Қадимдаги каби қўйларни соғиб, қўй сутидан дунёдаги энг сифатли сут маҳсулотларни етиштиришни ўрганишимиз, бизларнинг Каримов тешган чўнтагимизни бутлаши билан бир замонда, у ғариблаштирган рухий дунёимизни ҳам гўзаллаштиради. Араблардан бизгача етиб келган бу одат, бизга соғлом турмуш-тарзимизни қайтариб беради. Битта қўй бир кунда ярим литр сут беради. Юзта қўйни соғиш учун иккита соғувчи етарли. Ўша икки соғувчи юзта қўйдан эллик литр эмас, ўттиз литр сут соғиб олсин. Ўттиз литр қўй сутидан 10 – 13 кило брэнза билан пишлок ишлаб чиқарса бўлади. Энг хуштаъм ва энг юқори баҳоланадиган қўй пишлогининг бир килоси дунё бозорларида ўттиз доллардан кам турмайди.

Энди ҳар бир оиладан 2-3 та одам қўй соғса, яна 2-3 та одам ундан маҳсулот ишлаб чиқарса, Ўзбекистонда милён-милён қўй боқилса, қанча одам иш билан таъминланади? Қўйлар қанча кўп соғилса, шунча сут етказиб бериш муддати чўзилиб, шунча уларнинг соғломлиги даражаси таъминланиб боради. Баробарида, хўранлиги даражаси ошади. Қўйдан чиқит чиқмайди. Унинг қўзиси бир йил ўтиб туғиб беради, тезаги энг юқори сифатли маҳаллий ўғитга айланади. Гўшти ейлади, жунидан дунёдаги энг ажойиб, қиммат нархларда сотиладиган табиий гиламлар ишлаб чиқарилади. Яна, унинг жуни ва ёғидан ҳарбий соҳалар ва техникалар учун

бизнинг хаёлимизга келмаган маҳсулотларни ишлаб чиқарса бўлади. Жундан экологик жиҳатдан тоза гиламлар ишлаб чиқариш бошқа бир масала. Уларни санъат даражасига кўтариб, дунёнинг кўзини яшнатиш эса, яна бир бошқа масала. Бу учун оддий хунармандлар санъаткорга айланишлари керак. Уларнинг танлаган ранглари, фантазиялари бутун жаҳондаги гўзал инсонларнинг нафақат уйининг кўрки, уларнинг қалбини ҳам безаши лозим.

Бунга эришиш учун



бизга нима монелик қилиши мумкин? Яна ўша Каримов балоси, яна ўша ўзи оқ, қилмиши қорага айлантирилган пахта? Ўз юртимизда, Аллоҳ берган шу кичик ватанимизда, буларнинг барчасига етарли имконлар бўла туриб, биз нима учун асрлар асносида қўл қовуштириб ўтиришимиз керак?!

Бу кабилар биздаги имкониятларнинг мингдан бири, холос. Мен каби одий бир ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчиси англаган нарсани деҳқонлар ёхуд чорвадорлар англамайдиларми?

Ўзбекнинг миллат сифатидаги ақл салоҳиятини, минтақанинг чексиз имкониятлар макони эканлигини президент Каримов ростданам билмайдими? Президент Каримов ўзбек аёллари ва болаларининг Мустақиллик йилларидаги чексиз азоб-уқубатлар гирдобидан умригузаронлик қилаётганидан беҳабарми?

Деҳқонлар ва чорвадорлар учун мен айтаётган гапларнинг ҳеч бир қизиқ жиҳати йўқ. Улар бу нарсаларни менадан кўра ўн марта яхши биладилар. Уларда биз кабиларнинг хаёлига келмайдиган оламшумул гоёлар ва пишиқ-пухта ишланган режалар борлигига ҳам мен қаттиқ ишонаман. Уларда ўзларини намоеън этиш ва ўзбек финонимини рўёбга чиқариш учун ҳуқуқий асос ва ихтиёр йўқ. Уларнинг борини тортиб олиб, қулга айлантирган Каримов, шу кунларда уларга камроқ кислород улашиш хусусида бош қотирипти...

Ўзбекнинг миллат сифатидаги ақл салоҳиятини, минтақанинг чексиз имкониятлар макони эканлигини ҳам президент Каримов жуда яхши билади. У бу каби кўп нарсаларни илгари билмаган

бўлса ҳам, унга яхудий миллатига мансуб Владимир Иосифович Бронштейн ва Вячеслав Аркаевич Голишевлар кўп нарсаларни ўргатди. Унга ҳалигача ҳам, ҳар кун янги муаммолар билан тўқнашганда ўзини қандай тутиши, ўзбекнинг бошини кўтаришига йўл қўймаслик хусусида, улар дарс бериб келмоқдалар. Шу ўринда бу икки шахс ва уларнинг президент Каримов билан яқин ва илиқ алоқалари хусусида ҳам озроқ тўхталиб ўтамиз. Қандайдир сирли бир ташкилотнинг кўрсатмасига биноан, Владимир Иосифович Бронштейн ва Вячеслав Аркаевич Голишевлар президент Каримовнинг ғоявий етакчилари ҳисобланадилар. Ўзбекистоннинг чорак асрлик сиёсий-иқтисодини, ўзбек миллатининг ҳаёт-момотини шу бугунгача мана шу икки шахс белгилаб келяпти. Каримовнинг бир қакага қиммат барча китобларини Голишев ёзиб берган.

Унинг “Юксак маънавият – энгилмас куч!” асари бундан мустасно. Бу китобни ўнга яқин такасалтанг ўзбек “олимлари” турли манбалардан кўчириб ёзганлар ва китоб президентнинг давлат маслаҳатчиси Хайридин Султоновнинг тавсияси билан президент Каримовнинг номидан эълон қилинган.

Барча давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар эса Бронштейннинг қўлидан ўтади.

Каримов шу икки шахс чизиб берган чизикдан ўлиб қолса, четга чиқолмайди. Шайтони кўзиб чизикдан чиқишга ҳаракат қилса, кўринмас қўллар дарров орқасидан тўғирлаб қўядилар...

(Давоми бор)

Эргаш Сулаймон



Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолият доктринасида чет эл ҳарбий базаларини очиш таъқиқланишига қарамасдан...

Россиялик таҳлилчиларнинг ёзишича, АҚШнинг Ўзбекистондаги ҳарбий базаси Термиз шаҳридан 40 километр шимолий-шарқда бўлган «Қоқайди» собиқ совет аэродроми ҳудудида жойлаштирилиши мумкин. 2400 метр узунликдаги бетон йўлак ва аэродром инфратузилмаси 80 та самолётга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. У ҳатто бугунги кунда ҳам ҳарбий-транспорт самолётларни қабул қила олади, реконструкция қилинган тақдирда эса бутун минтақадаги ҳал қилувчи аҳамиятга молик йирик авиабазага айланиши мумкин.

Америкаликлар бу ерда узоқ масофага парвоз қилувчи учувчисиз бошқариладиган аппаратларни жойлаштиришни ҳамда КХШТ давлатлари ва Хитойга қарши электрон разведка юритишни режалаштиришмоқда. 2001-2005 йилларда америкаликлар томонидан Афғонистондаги амалиётларни қўлаб-қуватлаш мақсадида фойдаланилган Қарши-Хонабод базасидан фарқли равишда Термиз тумани ривожланган транспорт инфратузилмасига эга. Бу ерда Ўзбекистонни Амударё орқали Афғонистон билан кўприк воситасида боғловчи темир йўл ўтган.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолият доктринасида чет эл ҳарбий базалари очиш таъқиқланиши, бу Ўзбекистоннинг хавфсизликни таъминлаш мақсадларида қўшни давлатлардан бўладиган таҳдидларни йўқ қилишга қаратилган амалиётларга техник қўмаклашиш ва минтақадаги вазиятни мониторинг қилиш учун чет эл базаларининг очилишига рухсат бериш ҳақида қарор қабул қила олмайди дегани эмас. Хусусан, бундай таҳдидлар Афғонистон тарафидан бўладиган бўлса.

УХХ ахборот бўлими

Бош прокуратура Г. Каримова фаолиятини «жиноий гуруҳ аъзоси» сифатида текширмоқда

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати 8 сентябрь куни уюшган жиноий гуруҳнинг бир қатор аъзолари фаолияти алоҳида текширалаётгани ҳақида хабар берди. Ушбу шахслар қаторида «Г. Каримова» деган исм ҳам тилга олинади.

Бош прокуратура томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда Н. Содиков, Р. Мадумаров, Г. Авакьян ва бошқалар ташкил этган уюшган жиноий гуруҳ аъзоларига нисбатан жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилган.

Пресс-релизда таъкидланишича, жиноий гуруҳ фаолиятига умумий раҳбарлик Н. Содиков ва Р. Мадумаровлар томонидан амалга ошириб келинган. Уюшган гуруҳ аъзолари 2011—2013 йиллар давомида тадбиркорлик фаолияти ниқоби остида шантаж ва товламачилик йўли билан, шунингдек, ҳужжатларни сохталаштириш орқали тизимли равишда хўжалик соҳасидаги жиноятларни содир этиш билан шуғулланиб, давлатга жуда кўп миқдорда зарар етказган.

Жумладан, жиноий гуруҳ томонидан давлат активларини сунъий пасайтирилган нархларда қўлга киритиш ва бошқа усуллар билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг 5,5 миллиард сўмлик, «Coca-Cola Ichimligi Uzbekistan Ltd» МЧЖ ҚК нинг 11,9 миллиард сўмлик, «Фарғона НКИЗ» УШКнинг 40,1 миллиард сўмлик, шунингдек, бошқа корхона ва ташкилотларнинг 102 миллиард сўмлик активлари талон-торож қилинган ва ўзлаштирилган.

24 мая 2014 года суд приговорил Мадумарова, Авакьян и других членов группы, признанных виновными в совершении ряда преступлений. Генпрокуратура не уточнила сроки заключения, однако известно, что Мадумаров и Авакьян приговорены к 10 и 9 годам лишения свободы соответственно, но из-за сложения наказаний обоим срок заключения был сокращен на треть.

2014 йил 24 майда суд томонидан Р. Мадумаров, Г. Авакьян ва бошқаларга нисбатан жиноят иши бўйича айблов ҳукми чиқарилиб,

улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 165-моддаси 3-қисми «а, в» бандлари ва бошқа моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилиб, уларга нисбатан 10 ва 9 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганди. Бироқ, тайинланган жазо муддати учдан бир қисмга қисқартирилди.

«Бугунги кунда, уюшган гуруҳ аъзоларининг асосий қисмига нисбатан жиноят ишлари кўриб чиқиш учун суд муҳокамасига юборилиб, улар бўйича суд қарорлари чиқарилиши таъминланган. Уюшган гуруҳнинг қидирувда бўлган ҳамда ҳозирда етарли материаллар тўпланмаган айрим аъзоларига нисбатан жиноят ишининг бир қисми алоҳида иш юритувга ажратилган. Хусусан, Г. Каримова ва жиноий гуруҳ аъзолари А. Гафурова, А. Курбанов, Б. Сулейманов, Ш. Камилджанов, Р. Мустафаевлар ҳақида сўз юритилмоқда», — дея жиноий гуруҳ аъзолари номлари санаб ўтилади пресс-релизда.

Бу ерда жиноий гуруҳ аъзоларидан бири сифатида тилга олинган «Г.Каримова» номи алоҳида эътибор тортади. «Г. Каримова» сифатида Ўзбекистон президентининг тўнғич қизи назарда тутилаётган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Эслагиб ўтамиз, 17 февраль куни Terra Group, Prime Media ва Gamma Promotion компанияларининг мансабдор шахслари бўлган Рустам Мадумаров, Гаяне Авакьян ва Екатерина Ключевалар Бош Прокуратурага олиб келинганди.

Орадан икки кун ўтиб Бош Прокуратура берган хабарда юқоридаги компаниялар билан боғлиқ жиноят иши бўйича 10 киши олиб келингани маълум қилинганди.

18 июль куни Ўзбекистон Бош Прокуратураси май ойининг охирида 13 та шахсга нисбатан чиқарилган суд ҳукми ҳақида хабар берганди.

22 август куни Би-би-си ўзбек хизмати Рустам Мадумаров ва Гаянэ Авакьянларнинг суд ҳукми устидан шикоятлари қондирилмагани ҳақида хабар берди.

УХХ ахборот бўлими

Каримовни Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ саммитининг «асосий янгилиги» номинацияси бўйича етакчи дейиш мумкин. Бу унинг саммитда қатнашиши билангина боғлиқ эмас.

Душанбедаги ШХТ саммити олдиндан тарихий бир учрашув бўлиши эътироф этилганди. Чунки мазкур йиғилишда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти янги аъзолар учун расман ўз эшикларини очиши режалаштирилганди.

Бироқ саммит давомида Ўзбекистон президенти Каримов оғзидан чиққан баъзи гаплар саммит учун қутилмаган бир янгилик бўлди дейиш мумкин.



ИСЛОМ КАРИМОВ: «МЕН БУТУНЛАЙ ЎЗ ЙЎЛИМНИ ЙЎҚОТДИМ»

Собиқ совет қолдиқларига мансуб Каримов одатда фақат шахсан ўзи учун аҳамиятли деб билган йиғилишларда қатнашиб келади. Унинг шахси учун аҳамиятли бўлган йиғилишларнинг ўзбек халқи манфаатларига мос келиш ёки келмаслигининг Каримов учун аҳамияти йўқ. Каримов учун ўз яққаҳоқимлигини сақлаб қолиш ҳамма нарсадан устун туради.

Шу сабабли ҳам Каримов ўзининг саммитга келишидан асосий мақсади бўлган шахсий ишларини умумий давра суҳбати бошланмасданок ҳал қилиб қўяолди. Бу ерда гап Каримовнинг Россия президенти Владимир Путин билан бўлиб ўтган ўзаро суҳбати ҳақида бормоқда. Суҳбат давомида Каримовнинг, бу йил мобайнида Путин билан бирон марта ёлғиз қолмаганлигидан жуда қаттиқ ташвишда эканлиги аён бўлди.

«Россия президенти ўзининг жуда тиғиз графиги борлигига қарамасдан мен билан суҳбатлашишга ярим соат ажратганидан жуда хурсандман»,

— дея тан олди Каримов.

Бу сўзлардан сўнг суҳбатнинг протокол доирасидан ташқаридаги мавзуларда давом этиши атрофдагиларга аён бўлди. Каримовнинг сўзларига кўра жуда кўплаб масалалар ва муаммолар йиғилиб қолган ва уларга жавоб топиш ҳамда зарур ахборотни номаълум жойлардан изламаслик учун унга бир йўналиш ва йўл кўрсатувчи лозим.

«Мен Россиянинг биз учун стратегик ҳамкор эканини яширмайман. Муносабатларимиз иттифоқчиларга хосдир. Ўйлайманки қанчалик кўпроқ маслаҳатлашиб турсак саволларга шунчалик кўп жавоблар топилади. Бу учрашувлар ўртасидаги муддат чўзилиб кетса, ўзимни қандайдир рухий тушкунликда ҳис қила бошлайман. Берилиши керак бўлган саволлар бор ва киши бирор ориентирни ҳис қилишни истайди», — дея таъкидлади Каримов.

Каримовнинг сўзларига кўра у Путин билан учрашувдан ўзига энг тўғри сиёсий йўналиш ва яхшигина озиқ олади. Агар

РИА Новости ахборот агентлиги муҳбири: «Бундан хулоса қилиш мумкинки, ҳақиқатан ҳам Каримовнинг ишлари чатоқ кўринади. У шу қадар хавотирдаки буни кенг жамоатчиликдан сир тутишга қанчалик уринмасин барибир атрофдагилар учун яққол кўришиб турарди», — деб ёзади.

Умуман олганда собиқ иттифоқ тарқанидан бери Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлати геосиёсат соҳасида ҳар доим ўз йўлини тополмасдан адашиб юрди. Бир вақтлар Грузия, Молдова, Украина ва Озарбайжон билан биргаликда ГУУАМ блокада кўшилиб унинг номида яна бир «У» ҳарфининг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Кейин эса Каримов инжикликлари сабаб ундан чиқиб кетиб КХШТ га кирди. Россия етакчилигидаги КХШТ таркибида ҳам бир пайдо бўлиб бир чиқиб юрди.

Собиқ совет республикаларининг ЕврАзЭС ташкилотида ҳам ўз ўрнини топа олмаган уни тарк этиб қутилди.

РИА Новости муҳбири Каримов ташқи сиёсатини шамол йўналишини аниқлайдиган флюгер асбобидан ҳам кўра кўпроқ мойчечак гулига ўхшатади. Унинг ёзишича Каримов ташқи сиёсатда мойчечек гулбарглари узиб «севади-севмайди» ўйини ўйнаётганга ўхшайди.

Шундай қилиб Каримов бутунлай ўз йўлини йўқотганини илк марта расман тан олди.

ЎХХ ахборот бўлими



стенограмма матнига и ш о н и л а д и г а н бўлса Путин билан ярим соатлик учрашув чоғида Каримов «ўз йўлини йўқотиб қўйганлик» иборасини бир неча марта такрор ва такрор тилга олади.

Каримовнинг ҳолати бўйича баҳо бераркан



очди. Ҳозирги вақтда авиаташувчи Прага-Токент йўналиши бўйича А-319 аэробусида ҳафтасига икки марта парвозни амалга ошириб келмоқда. Чехия авиакомпанияси Ўзбекистондан кетишга қарор қилган энг сўнги Оврўпа авиаташувчиси ҳисобланади.

Кремль Қорабоғда янги фитна уюштириши мумкин

Оврўпа Иттифоқи Москва билан муносабатларнинг чигаллашуви натижасида ўзининг Россия монополияси бўлган «Газпром»га нисбатан энергетика қарамлигини юмшатиш мақсадида Оврўпага газ етказиб беришнинг муқобил йўллари изламоқда. Оврўпа мазкур йўналишда Россияни айланиб ўтган ҳолда газ етказиб берувчи бошқа манбаларга эга бўлишни истади. Озарбайжон эса шундай имкониятга эга бўлган кам сонли газ етказиб берувчилардан бири саналади. Бу ҳақда жорий йилнинг июль ойида Бокуга ташриф буюрган Буюк Британия энергетика вазир Майкл Феллон ошқора баёнот берганди. Оврўпага борадиган озарбайжон газ Трансадриатика газ қувури (TAP) орқали амалга оширилиши мўлжалланган. Мазкур йўналишдаги газ Каспий минтақасидан Юнонистон, Албания ва Италия жанубидаги Адриатика денгизи орқали ўтиб Россияни айланиб ўтган ҳолда Фарбий Оврўпага етиб боради. Бундан ташқари, Трансонадўли газ қувури (TANAP) ҳам мавжуд бўлиб, бу йўналишда Озарбайжоннинг Шоҳ-Денгиз конидан Оврўпага газ етказиб берилиши мумкин.

Ҳозирда ушбу лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида илк қадамлар қўйилди. Озарбайжон газини Оврўпага етказиб беришда артерия ҳисобланган Жанубий газ йўлаги шу йилнинг 20 сентябрда қурилиш ишларини бошлади. Озарбайжон президенти Илхом Алиевнинг буйруғига кўра Жанубий газ йўлаги учун ер ажратиш Asan Xidmət томонидан амалга оширилади. Лойиҳани амалга ошириш ишлари бир ҳафтадан сўнг бошланади. Ушбу лойиҳа натижасида SCPX, TANAP ва TAP газ қувурлари орқали 25 млрд. куб газ ўтказилиши мумкин. Уларнинг ишга туширилиши 2017 йилга мўлжалланган. Бироқ, бу ҳаракатлар расмий Кремль манфаатларига мутлақо тўғри келмайди. Шу тўғриси ҳам кўпгина экспертлар Россия жорий ҳукуматининг бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашув сиёсати натижасида ушбу лойиҳа белгиланган муддатларда тугалланмай қолиши мумкинлигини таҳмин қилишмоқда. Бу биринчи навбатда, Россиянинг йиллар давомида босим воситаси сифатида фойдаланиб келган тоғли Қорабоғ худудидagi низо билан боғлиқ.

Шу мақсадларда яқин ойларида Кремлнинг тоғли Қорабоғ худудида янги фитна уюштириши кутилмоқда.

ЎХХ таҳлил бўлими

Оврўпанинг энг сўнги авиакомпанияси ҳам Ўзбекистонни тарк этди

Бугун Czech Airlines чех авиакомпанияси жорий йилнинг 24 октябридан Ўзбекистонга парвозларнинг тўхтатилишини маълум қилди. Бу ҳақда авиакомпания вакили сўзларига таяниб РИА Новости агентлиги хабар тарқатди.

«24 октябрь куни Прагадан Тошкентга сўнги парвоз амалга оширилади. Шундан сўнг биз Ўзбекистондаги ваколатхонамизни ҳам ёпамиз», — дейди агентлик сўхбатдоши. Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистонга парвозларнинг тўхтатилиши мазкур йўналишнинг даромад келтирмаслиги билан боғлиқдир. Czech Airlines Ўзбекистонга парвозларни 2009 йилдан амалга ошира бошлади. 2012 йилда компания Ўзбекистонда ўзининг ваколатхонасини

Эслашиб ўтамиз, аввалроқ молиявий ва логистика сабабларига кўра Lufthansa, AirBaltic ва бошқа авиакомпаниялар Ўзбекистонга парвозларни амалга оширишдан бош тортишганди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда хорижий авиакомпаниялар сифатида Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Жанубий Корея ва Туркия авиакомпаниялари парвозларни амалга ошириб келмоқда.

Яқин ва узоқ хорижга фуқароларни ташиш бўйича умумий ҳажмнинг асосий қисми тўлалигича давлатга тегишли бўлган монопол ташувчи — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ҳиссасига тўғри келади.

ЎХХ ахборот бўлими

Россияда ўзбек автомобиллари савдоси касодга учрамоқда

GM Uzbekistan кўшма корхонасида ишлаб чиқарилган автомобилларнинг Россиядаги савдоси 2014 йилнинг август ойида 55%га пасайди. Бу ҳақда маҳаллий ОАВ хабар берди. 2013 йилнинг август ойида 5403 та автомобил сотилган бўлса, 2014 йилнинг август ойига келиб бу рақам 2443 тага пасайган.

2014 йилнинг биринчи ярми якунларига кўра ўзбек автомобиллари савдоси 20%га камайган. 2014 йилнинг январь-август ойларида жами 29303 та автомобил сотилган. 2013 йилнинг айна даврида эса сотилган автомобиллар сони 36585 тани ташкил қилганди.

Ўзбек авто ишлаб чиқарувчиларининг бозордаги



улуши 2013 йилда 2,3% бўлган бўлса 2014 йилда бۇ кўрсаткич 1,4%гача пасайган.

Бундан ташқари, маҳаллий автомобилларнинг биронта русуми россия бозорида харидоргир автомобилларнинг 25 талигига киритилмаган.

ЎХХ ахборот бўлими

Ўзбекистонда жорий йил охирида бўлиб ўтиши режалаштирилган парламент сайловлари ва келаси йилнинг март ойида бўлиб ўтиши лозим бўлган президентлик сайловлари олдида хавфсизлик чоралари кучайтирилишда давом этмоқда. Олдинги сайловлардаги тадбирлардан фаркли равишда бу сафар хавфсизлик борасидаги асосий эътибор ташқи хатарлардан сақланишга қаратилган.

Маълумки, диктатор Каримов ўз ташаббуси билан ўзбек армиясини ташқи душманга қарши курашдан мамлакат ичкарисидаги оммавий норозилик намойишларига, қуролсиз аҳолига қарши курашга йўналтирилганди.

Эндиликда Украинадаги воқеалар ҳамда каримов режими мухолифларининг кескин радикаллашуви туфайли ҳукумат амалдаги ҳарбий доктринани зудлик билан қайта кўриб чиқиш, ташқи хатарлардан ҳимояланиш мақсадида чегараларни мустаҳкамлашга киришиб кетди.

Айниқса, Афғонистонда жорий йилнинг 14 июнида бўлиб ўтган иккинчи тур президентлик сайловларининг

ҳам муваффақиятсиз яқун топиши туфайли мамлакатда бўлиниш ҳавфининг юзага келиши Ўзбекистоннинг жанубий чегараларида ҳам хавотирни кучайтирди.

Шу мақсадда Ўзбекистоннинг мазкур ҳудудларида ҳарбий ўқув машқлари ташкил



Каримов ҳукумати жанубий чегаралардан хавотирда

қилина бошланди. Хусусан, жорий ой бошида ўтказилган ҳарбий ўқув машқларида Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати (МХХ), Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг махсус бўлинмалари қатнашди.

Ушбу ҳарбий машқлар Сурхондарё вилоятининг Афғонистонга чегарадош ҳудудида қўшни давлатдан «эхтимолий террор ҳужуми»ни қайтариш мақсадида ташкил қилинди.

Жанговор ўқув-машқи

сценарийсига мувофиқ, Ўзбекистон махсус кучлари Амударё орқали қайиқларда чегарани бузиб ўтишга уринган “террорчилар”нинг йўлини тўсиб уларни йўқ қилади.

Бундан ташқари, махсус куч бўлинмалари Амударё устига қурилган Термиз-Хайратон кўпригидаги чегара пунктида ёнғин ўчоқларини ўчириш ҳамда қўшни давлат фуқаролари келтириб чиқарган оммавий тартибсизликларни бартараф этишни машқ қилишди.

ЎХХ ахборот бўлими



тўсиб қўйишни назарда тутди.

Шунингдек, блоггерларнинг “Ўзбекистондаги конституциявий тузумини ағдариш, мамлакат ҳудудий ахли тлиги га қарши даъватлар, терроризм, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм

Оврўпада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг ОАВ эркинлиги бўйича вакили Дунья Миятович (Dunja Mijatovic) сўзларидан иқтибос келтирилади ташкилотнинг расмий сайтида.

Қонун август ойи охирида Ўзбекистон Сенати томонидан маъқулланди ва президент томонидан имзоланди. 4 сентябрда матбуотда эълон қилиниши билан кучга кирди. Шу кунгача блоггерларнинг фаолияти қонун билан тартибга солилмаганди.

«Онлайн-контент эркинлиги ОАВ эркинлиги ва фикрни эркин ифода қилиш учун жуда муҳимдир. Мен Ўзбекистон ҳукуматининг ушбу ҳаракатини қоралайман, чунки киритилган янги чекловлар демократик тамойиллардан яна бир қадам узоклашди. Мазкур чеклов ОХХТ ва бошқа халқаро стандартларда белгилаб қўйилган сўз эркинлигини чеклаш чегараларидан чиқиб кетди. Бу ҳам етмагандек, мазкур талабларнинг бажарилмаганлигига нисбатан жарима шаклидаги маъмурий ва ҳатто жиноий жавобгарлик ҳам киритиб қўйилди» — дея таъкидлайди Миятович.

ЎХХ ахборот бўлими

Ўзбекистон демократик тамойиллардан яна бир қадам узоклашди — ОХХТ (OSCE) вакили

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон матбуотида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни эълон қилинди. Ушбу қонун билан «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунга ўзгартишлар киритилди. Мазкур ўзгартишлар блоггерлар томонидан ўзларининг интернет саҳифаларида текширилмаган ҳамда экстремистик руҳдаги ахборотни жойлаштирган тақдирда

ғояларини тарғиб этувчи материаллар“ни чоп этишлари ҳам тақиқланади. Акс ҳолда улар жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

«Ўзбекистонда қонунчиликка блоггерлар фаолиятини назоратга олиш билан боғлиқ ўзгартишларнинг киритилиши шундоқ ҳам республикада чеклаб қўйилган фикр эркинлиги юййича ҳолатни янада оғирлаштиради ва мамлакатдаги ОАВ эркинлигини тамомила чеклайди», — дея

03.09.2014 йилда мазкур сайтда босилиб чиққан, «Сиз шу жазога лойиксиз» сарлавхали мақолада: -«Мен ушбу мақолани ёзишимдан мақсад кимнидир хижолатга қўйиш ёки айбланиш мақсадида эмас, балки хозир урфдан қолиб кетган ажойиб, «танкид келажакни мевасидир»-деган пурмано хикматли сўзни эслаш ва шундан умид қилиб, бир хақиқий-



Олий суд раисига қабулда, яна бир бора ўзбекона иллат!

воқеиликни ошкор этмоқчиман ва умид қиламанки ўқувчилар мени тўғри тушунадилар» -деб ёзган эдим ва такдир тақозоси билан яна бир бора ушбу сўзлар билан мазкур мақолани бошлашга-ёзишга жазм этдим.

Албатта халқимизга хос яхши фазилатлар ва урф одатлар талайгина, аммо у ўзимизники, бироқ инсон-халқ онг тафаккурини ривожлантиришлик мақсад ва маслагага тўсқинлик қилувчи иллат ва қусурлар ҳақида яна ҳам гапириш ва танкид қилиш жоиздир деб ҳисоблайман!

Зеро, бежизга айтилмаган:

*Ҳеч бир нарса жўн осон,
Битган эмас ҳеч қачон
Буюк ишлар ҳаммаси
Фикру — захмат меваси!...*

05.09.2014 йил тонг соат 06 ларданок Олий суднинг қабулхонаси олдида анчагина одам йиғилиб туришган экан ва мен ҳам бориб қабулга ёзилдим.

Олий суд раиси янги тайинланганлиги, янги бўлган раис адолатпарвар инсон эканлиги, у киши Тошкент шаҳар суди раиси бўлганларида ҳам адолатли ишлаганлиги ҳақида, янги раисни биладиган инсонлар жуда илиқ фикр ва мулохазаларни билдиришиб туришган эдилар.

Шу пайтда бир инсон дабдурустан ўз норозилигини баралла айтиб ҳаммани гапини бўлиб, кишиларнинг эътиборларини ўзларига жалб қилиб қўйди!... Эътирози бўлса шунчалар «актуал-долзарбки» унча бунча онг тафаккур соҳибларининг акли етишмаслиги тайин, ўзингиз марҳамат эшитиб кўринг, эмишки: -«У киши 360км. йўл босиб тоғ ошиб келибдиларда, нима учун эрталаб соат 09-15да аризани топширган ҳолда кундуз соат 15-

00гача 5-6соат кутиб ўтириши керак экан, бу ўта адолатсизлик ва тартибсизлик эмиш...»

Ана мантиқ, маъно, мақсад ва эътироз!!!

Мен, у кишига юзланиб сиз нотўғри фикрлаётган бўлсангиз керак, ахир қабул бир сиз учун эмасда, қаранг 50-60тача одамлар йиғилиб турибди, буларнинг ҳаммасидан аризаларини олиб қабулга ёзгунларича ҳам неча соат ўтади, қолаверса олинган аризаларни кўриб чиқишда, агарда жавоб кетган ёким иш чақирилиб ўрганилаётган бўлса қабулга киришдан не хожат??? Ахир Олий суд раиси ҳар бир шикоятчи учун алоҳида қабул қилмайдику, қолаверса шу ердаги кўпчилик 5-6 соат эмас 5-6 йиллаб бурунги раиснинг қабулига кира олмасдан сарсон-саргардон бўлиб юришибди, худо деяйлик, соат 15-00 дами 18-00 дами Олий суднинг янги раиси қабул қилиб арзу додимизни тингласаларда, пировард натижада адолат қарор топса дедим...

Қаёқда, сал пастга тушиш, аксинча бизни саводсиз тушунмаганликда айблаб, бошқалар билан иши йўқ эканлигини, 5-6соат кутиб ўтиришга тоқати йўқлигини ва ҳақозорларни барча ўтирганларга эринмасдан бирма-бир бориб баралла сафсатавозлик қилиб чиқди.

Ха, Аристотел: -«Золимлар атрофида хушомадгуйлар гирди-капалак бўлишса -халқ атрофида сафсатавозлар гирди-капалак бўлишди»-деб бежиз айтмаган экан!!! Соат 15-00да қабул вақтида шу нарса маълум бўлдики, Олий суд раиси давлат делегацияси сафида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг йиғилишига Қозоғистонга кетган экан. Биз ҳам шу юрт фуқароси онгли инсон сифатида тўғри тушунамизки, давлат манфаати

учун халқаро келишувлар мақсадида Суд ҳокимияти раҳбари сифатида хизмат сафарига кетган экан ва шунинг учун ҳам Олий суд маҳкамасини ҳам ортиқча қоҳозларга кўмиб ташламаслик мақсадида, берган шикоятимизни қайтиб олдик ва кейинги қабулга келишни ният этдик.

Аммо мени хайрон қолдирган жойи халиги эътирозбон сафсатавоз, қабулда бир сўз ёки эътироз билдирмасдан жим кириб-жим чиқиб кетди, во ажабо, қани ташқаридаги эхтирос ва эътирозлар, қаерга кириб кетди экан ???!!!...

Нахотки, шу ҳам жуда аламли ва оғрикли ўзбекона иллатмикан... ???

Бир кўринишда арзимас бўлиб кўринадиган бундай воқеа, маҳаллий қусур, аслида энг ёмон иллат бўлиб, таъбир жоиз бўлса Маззахистликдир...

Мен Маззахистлик деганида нимани тушунаман: -«Маззахистга эрк бериб кўрингчи, тепанга чиқиб шатралайди-бошинга ичини бўшатади»; -«Маззахистни бошини силаб кўрингчи билагингни тишлаб олади, оғзига нон тутсанг бармоғининг ғажийди, сув тутсанг юзингга пуфлайди»;

-«Унинг ношукрлигидан жахлинг чиқиб бошига бир урсанг эгилади, бир тепсанг дўнг бўлади, бошқа иш қилсанг, эй раҳмат бундан-да баттароғини қилмади-я -дейди»;

-«Аслида ундан-да баттароқ хўрлаш ёки ҳақоратнинг ўзи йўқлигини ёки тушунмайди ёки тушунишни хохламайди ёхуд ўзи шуни хохлайди» ...

Ёлғиз ножоткор Оллохнинг ўзидир, маззахистлардан, элимизни-халқимизни ўзи асрасин!!!

Ниятим ва орзуим Муқимий айтган:

-Пул берсанг, доно бўлиб мушкул ишинг осон қилурман,

-Бермасанг, нодон бўлиб осон ишингни сарсон қилурман.. -деган сўзлари илоҳим Олдинги Олий суднинг раиси билан ўзи билан бирга кетганлиги рост бўлсин ва орзиқиб қутилган Одил судлов Ўзбекистонда ҳам ўз жамолини кўрсатсин, ОМИН!!! ...

Эътиборларингиз учун раҳмат!!! Яна учрашиш насиб этсин деган умид билан

Баҳром Абдурахимов
тел.

9998907210725; +998912140916:

E-mail bahrom2661@mail.ru

Skype: bahrom6126

(Давоми: Боши олдинги сонда)



Антакиё халқининг элчиларини ўлдириш учун қилган ҳаракати

Исо алайҳиссалом бутпараст Антакиё халқига Ҳаворийларидан ичида Шамун ҳам бўлган учта элчи юборилган эди.

Элчилар аввал Антакиёда Ҳабиб бин Мураййга дуч келдилар.

Унинг уйи шаҳар дарвозаси ёнида, шаҳардан узоқроқда эди.

Касби урганжийлик эди. Ўзи хаста эди, мохов касаллигига чалинганди. Хайрсевар, қўли очик, мўмин зот эди. Топган даромадини оқшом бир жойга тўплаб, иккига бўларди. Ярмига бола-чақасини боқар, ярмини йўқсилларга берарди.

Хасталиги, кучсизлиги ва иши унга моне бўлмасди.

Ҳабиб бин Мурайй, Исо алайҳиссаломнинг элчиларини Антакиё халқи ўлдиришлигини ўзаро келишганини эшитиб, дарҳол Антакиёликларнинг ёнига борди. Уларга Аллоҳни хотирлатди, ўгит берди, элчиларга қулоқ солишга чақирди.

Антакиё халқи эса уни тошга тутди, оёқлари остида топтадилар.

Ҳабиб бин Мурайй эса:

“Эй Аллоҳим, қавмимга тўғри йўл кўрсат. Эй Аллоҳим, қавмимга тўғри йўл кўрсат. Эй Аллоҳим қавмимга тўғри йўлни кўрсат”, — дея дуо эта-эта жон берди (Ғабарий. “Тафсир“, 22- жилд , 155-, 158-, 161-бетлар).

Антакиё халқи эса Жаброил алайҳиссаломнинг бир хайқириғи билан ҳалок бўлди.

Ҳабиб бин Мураййнинг қабри Антакиё чоршисидадир (230).

Ҳодиса Қуръони Каримда

шундай баён этилади:

“(Эй Муҳаммад), сиз уларга (Антакиё) қишлоғининг аҳлини - у жойга элчилар келган пайтини мисол келтиринг!”

Ўшанда Биз уларга икки (элчи) юборганимизда, у иккиси ёлғончига чиқарилгач, учинчи (элчи) билан қувватлангирдик. Бас (учала элчи Антакиё аҳлига):

“Дарҳақиқат биз сизларга (юборилган) элчиларимиз”, — деган эдилар. Улар:

“Сизлар ҳам худди ўзимизга ўхшаган одамларсиз. Раҳмон (Аллоҳ) бирон нарса ваҳий нозил қилгани йўқ. Сизлар фақат ёлғон сўзламоқдасизлар”, — дедилар.

(Элчилар) айтдилар:

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (18).

“Роббимиз билурки, бизлар шакшубҳасиз, сизларга (юборилган) элчилардирмиз. Ва бизларнинг вазифамиз (Аллоҳнинг ваҳийсини сизларга) очик равшан етказишдан бошқа нарса эмас”.

Улар дедилар:

“Ҳақиқатдан, бизлар сизлар ҳаққингизда гумондамиз. Қасам-ки, агар (сўзларингизни) тўхтатмасангизлар, албатта сизларни тошбўрон қиламиз ва сизларга биз томондан аламли бир азоб етар. (Элчилар айтдилар): “Бадгумонингиз сиз биландир.

Сизларга ваъз-насихат қилинса, (қабул қилиш ўрнига, бадгумон бўлиб, пўписа қиласизми)? Йўқ, сизлар ҳаддан ошган қаавмсиз!”

(Шу пайт) бир киши шаҳарнинг чеккасидан шошиб келиб, деди:

- Эй қавмим, бу элчиларга эргашинлар! Ўзлари хидоятда бўлган ва сизлардан бирор ажр-мукофот сўрамайдиган зотларга эргашинлар!

Бу сўзларни эшитган қавм:

- Ҳали сен ҳам шуларнинг диниданмисан?, — деганларида, у айтди:

- Нега мен ўзимни яратган Зотга ибодат қилмайин? Сизлар ҳам (дунёдан ўтгач), ёлғиз Унгагина қайтасизлар. Мен У Зотни кўйиб (жонсиз бутларин) худо қилиб олайми? (Ҳаргиз ундай қилмасман. Чунки) агар Раҳмон менга бирон зиён етказишини истаса, у (бут)ларнинг хомийлиги мени бирон нарсадан сақлай олмайди ва улар мени (Аллоҳнинг азобидан) қутқара олмаслар. У ҳолда мен, шук-шубҳасиз, очик залолатда бўлурман. Ҳақиқатдан, мен (жонсиз бутларга эмас,

балки барчаларингизни яратган) Роббингизга иймон келтирганман. Бас, мени тинглангиз!

(Лекин жоҳил қавм ан-Нажжарнинг сўзларига қуоқ солмасдан, уни қатл қилишгач, унга:)

- Жаннатга кир!, — дейилди (Аллоҳнинг амри билан Жаннатга киритилиб, у жойдаги ноз-неъмат ва иззат икромни кўргач). У айтди:

- Қани эди, қавмим ҳам мени иззат-икромли кишилардан қилганини билсалар эди.

Биз (Ҳабиб ан-Нажжорнинг ўлдирганларидан) кейин унинг қавми устига (уларни ҳалок қилиш учун) осмондан бирон кўшин (яъни азоб фаришталарини) туширмадик.

Биз (ҳеч нарса) туширувчи бўлмадик.

Фақат биргина даҳшатли хайқирик бўлди-ю, баногоҳ улар “ўчиб” қолдилар. («Ёсин» сураси, 13-29).

Исо алайҳиссаломнинг ўлган бир дўстининг тирилтирилиши

Байтулмақдиснинг бир бўлгасида (331) Исо алайҳиссаломнинг Азер исмли бир дўсти бор эди (232).

Азер хасталанганда, унинг синглиси Исо алайҳиссаломга “Дўстинг ўлаяпти, тез унинг ёнига бор”, — дея хабар берди. Азер билан Исо алайҳиссаломнинг ораси уч кунлик йўл эди (233).

Исо алайҳиссалом асҳоби (234) билан Азернинг минтақасига (235) борганларида уни уч кун аввал (236) моғоранинг ичига кўйилганини (237) кўришди (238).

Исо алайҳиссалом у ерга борганида, Азернинг икки синглиси унинг ёнига келиб:

- Эй афандимиз, дўстинг Азер вафот этди, — дейишди.

Исо алайҳиссалом қайғуланди ва қизларга:

- Унинг қабри қаерда (239)? — деб сўради, — бизни унинг қабри ёнига олиб боринглар (240).

Қабрига олиб боришди (241).

Азернинг моғорада устига тош (242) қопқоқ бостирилган (243) қабрини кўрдилар (244).

Исо алайҳиссалом:

- Тош қопқоқни очинглар, — деди.

- Тўрт кундан бери хидланган бўлиши мумкин, — дейишди унга жавобан.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Исо алайҳиссалом моғорага яқинлашиб:

- Роббим! Ҳамд сенга махсусдир! (245). Эй, етти қат осмонни ва етти қат ернинг Робби бўлган Аллоҳим! Мени Исроил ўғилларига сен юбординг. Уларни сенинг динингга даъват этдим. Уларга сенинг изнинг ила ўликларни тирилтираман, деб хабар бердим (246). Яхши биламанки, ҳар нарсани берган сенсан! Фақат шу ёқда турган жамоат ҳам сенинг мени пайғамбар ўлароқ юборганингга иймон этсинлар, — дейман (247). Азерни тирилтир!, — деди (248).

Сўнгра қабрга яқинлашиб:

- Оёққа калқ!, — деб буюрди.

Азер икки оёғи қўллари боғлиқ ҳолда, устидаги кафани билан (249) қабрдан кўтарилиб (250) оёққа калқди (251).

Яҳудий қавмидан у ерда турганлар Исо алайҳиссаломга дарҳол иймон этдилар.

Улар Азерга лол қараб туришарди.

Яҳудийларнинг катталари ва дин олимлари Исо алайҳиссаломни ўлдиришга қарор қилгани

Бу воқеадан сўнгра

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (18).

яҳудийларнинг катталари ва уламолари тўпланиб,

“Биз бунинг (Исо алайҳиссаломнинг) динимизни бузишидан ва халқнинг унинг орқасидан эргашишидан кўркамиз”, дедилар.

Шакллар, излар, насаблар моҳиятини яхши билган Коҳинлар раиси уларга:

“Битта кишини водийда кетар экан, тутиб ўлдирмоқ хайрдир”, деди ва Исо алайҳиссаломни ўлдиришга келишдилар (252).

Яҳудийлар ўша даврнинг қиролларидан баъзиларига, Исо алайҳиссаломга қарши хабар юборди, уни ўлдиришга (253), осийшга рағбатлантирдилар (254).

Ва Исо алайҳиссаломни ўлдириш учун ахтара бошладилар (255)

Исо алайҳиссалом билан онасига тил узатган яҳудийларнинг тўнғизга айланиши

Исо алайҳиссалом эшак устида Ўрошолим (Ерусалим, Байтулмақдис)га кириб (256), баъзи

яҳудийлар билан учрашганди.

Улар Исо алайҳиссаломни кўриб:

- Сехргар хотиннинг сехргар ўғли, хунук ишлар қиладиган хотиннинг, хунук ишлар қилувчи ўғли келди, — дейишди. Ва бу сўзлар ила унга ва онасига ифтиро, тухмат қилдилар (257).

Исо алайҳиссалом, буларни эшитиб:

- Эй Аллоҳим, сен менинг Роббимсан, мен сенинг асаринг бўлган Рухингдан чиқарилдим ва сенинг “Бўл!”, деган калиманг ила яратилдим. Мен уларга ўз хоҳишим ила пайғамбар бўлмадим. Эй Аллоҳим, мени ва онамни сўккан кимсаларни лаънат эт, уларни раҳматингдан узоқлаштир, — дея дуо этди (260).

Аллоҳу Таоло Исо алайҳиссаломнинг дуосини қабул этиб (261), уни ва онасини сўкканларни (262) тўнғизларга айлантирди.

Бани Исроилнинг раиси бунини кўриб, қаттиқ кўркувга тушди. Ва яҳудийлар Исо алайҳиссаломни ўлдиришга қатъиян қарор қилдилар (263).

Исо алайҳиссаломнинг дунёдан айрилишининг билдирилиши

Ривоятга кўра, дунёдан айрилагаги Аллоҳу Таоло

тарафидан билдирилганда, Исо алайҳиссалом Ҳаворийларни ёнига чақириб, емакдан сўнгра уларга:

- Чўпон кетса, пода тарқалиб кетар, — дея, ўзининг ўлажагидан хабар берди.

Шунингдек, атрофдагилардан биттасининг хўроз уч марта кичкиргунча ўзини инкор этажagini, яна биттасини уни ўттиз дирҳам қаршилигида сотиб, бадални еяжagini хабар берди.

Ҳақиқатдан ҳам, яҳудийлар Исо алайҳиссаломни ўлдирмоқ учун ахтарар эканлар, Ҳаворийлардан Шомунни ушлашиб:

- Мана, шу унинг дўсларидан, — дейишганда, Шомун:

- Мен унинг дўсти эмасман!, — дея инкор этди.

Уни қўйиб юборганларидан кейин, хўрознинг товушини эшитиб, у кўрқоклигидан пушаймон бўлиб йўғлаганди.

Ҳаворийлардан биттаси эса яҳудийларнинг ёнига бориб:

-Мажлиснинг жойини кўрсатсам, менга нима берасизлар?, -деган ва уларнинг берган 30 дирҳамни олиб,

Исо алайҳиссаломнинг ўтирган жойни уларга кўрсатган (264) эди.

Исо алайҳиссаломнинг самога чиқарилиши

Ривоятга кўра, яҳудийлар бир кун (265) тўпланиб, Исо алайҳиссаломни тергадилар. Исо алайҳиссалом уларга:

- Эй яҳудий жамоати! Ҳеч шубҳасиз, Аллоҳ сиздан нафрат этаётгандир!, — деганда, яҳудийлар ғазабланиб, уни ўлдириш учун унинг устига юриб кела бошладилар.

Ўша он Аллоҳу Таоло Жаброил алайҳиссаломни юборди ва у Исо алайҳиссаломни кичик эшикдан чиқариб, томдаги панжарадан самога олиб чиқди.

Яҳудийлардан катгаси одамларидан биттасига Исо алайҳиссаломнинг ёнига кириб, уни ўлдиришни буюрди (266).

Одам ичкарига кириб, Исо алайҳиссаломни кўрмади. У ташқаридагиларни ёнига ҳадеб чиқавермагач, ҳали ҳам ўлдирилмай, у билан олишяпти деб ўйлашди (267).

Аллоҳу Таоло Исо алайҳиссаломни топа олмай қайтиб келган бу одамни Исо алайҳиссаломга ўхшатиб қўйди.

У ташқарига чиққанда, уни Исо алайҳиссалом, деб ўйлаб, дарров ўлдиришди ва осидилар (268).

Бошқа ривоятга кўра, яҳудийлар Исо алайҳиссаломни ушлаб боғлаганларида ва осийшга олиб боришганда, самога олиб чиқилган (269).

Ёки ушлаб, ҳақоратлаб олиб кетганлари Исо алайҳиссалом эмас, яҳудийларга Исо алайҳиссаломни топиб берган Ҳаворий бўлганлиги ҳақида ҳам ривоят бор (270).

Бу ривоятнинг яна бошқа варианты шундай:

Исо алайҳиссаломни осийшга тайёргарлик кўришаркан, бирдан Ер юзини зулмат қоплайди ва малаклар яҳудийлар билан Исо алайҳиссалом орасига кириб, Исо алайҳиссаломни тутиб берган, Исо алайҳиссаломга ўхшаган Ҳаворийни ушлаб (271), унинг “Мен уни сизга топиб берувдим“, деганига қарамай (272), Исо алайҳиссаломнинг ўрнига уни (273) ўлдириб (274) ёғочга осадилар (275).

Исо алайҳиссалом самога олиб чиқилганда ўттиз уч ёшда эди (277).

(Давоми келгуси сонда)



Ажойиб статистика

Ўзбекистон ёпиқ давлат бўлишига қарамадан баъзида мамлакатнинг кўздан йироқ кўрсаткичларини ҳам ҳисоблаш мумкин.

Масалан, Давлат статистика кўмитасининг 2014 йил январь-июнь ойлари учун эълон қилган маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми 61056,1 млрд. сўмни ташкил қилган. Бу эса «қора бозор» курси бўйича \$20,3 млрд. долларга ёки тадбиркорлар томонидан қўлланиладиган ва конвертация квотасига эга бўлмаган биржа курси деб аталадиган курсга кўра \$16,5 млрд. долларга тенг.

Буганги кунда Ўзбекистон аҳолиси 31 миллион кишини

ташкил қилишини инобатга олсак, бир йиллик ЯИМ аҳоли жон бошига \$1,5 минг долларга ҳам тенг келмаслигини кўриш мумкин. Бу эса дунёдаги энг паст кўрсаткичлардан саналади.

Ўзбекистон иктисодиётидаги инкирозни углеводород қазиб олиш ҳажмидаги ўзгаришларда ҳам кузатиш мумкин. Масалан, 1999 йил мамлакатда 8,1 миллион тонна нефть ва газ конденсати қазиб олинган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич атиги 2,9 миллион тоннани ташкил қилди. 2012 йилдан бошлаб Ўзбекистондаги нефть ва газ конденсати истеъмоли уни қазиб олиш ҳажмига нисбатан ортиб бормоқда.

УХХ ахборот бўлими

Ўзбекистонда сайловди кампаниясини бошлаш санаси эълон қилинди

2014 йил 11 сентябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси шу йил 15 сентябрдан бошланишини эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинди, деб хабар берди 12news.uz.

Сайлов кампанияси бошланиши эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон ва хорижий журналистлар учун брифинг ўтказилиб, унда Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулфбек Абдусаломов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида» қабул қилинган қарор ҳақида маълумот

берган ва ушбу қарорда кўзда тутилган асосий тадбирлар хусусида сўз юритган. Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар режаси эълон қилинган. Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисми ва «Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов 2014 йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси — 21 декабрда ўтказилади.

UZBEK.FM

Москва собиқ мустамлакаларини кўрқитмоқда

Лондонда чиқадиган Times газетаси «Россия юзлаб литваликларни қамаш билан кўрқитмоқда» (Russia threatens to jail hundreds of Lithuanians) номи остида мақода эълон қилди. Мақолада русларнинг анъанавий равишда бошқа халқларга таҳдид қилиши ҳақида сўз боради.

- Россия прокуратураси 1990 йили Литва ўз мустақиллигини эълон қилганидан сўнг рус армиясидан қочиб кетган литваликларга нисбатан 24 йил илгари очилган жиноий ишни қайта кўзгади.

Шу муносабат билан Литва ташқи ишлар вазири Россияни ишончсизлик муҳитини яратиш ва ахмоқликда айблади.

Литва Хавфсизлик давлат департаменти бир вақтлар қизил армияда хизмат қилишни истамаган фуқароларига НАТО ва Оврўпа Иттифоқига кирмайдиган давлатларга, хусусан, Россия ва Белорусияга бормасликни тавсия қилди.

Ўтган ҳафтада Россия ФСБ ходимлари эстониялик контрразведкачи Эстон Кохверни Эстония худудидан ўғирлаб кетишганди.

Лондондаги Chatham House таҳлил маркази ходими советшунос Кейр Гилсинг фикрича 24 йил олдин қизил армия сафида хизмат қилишни истамаган литваликларга қарши жиноий ишнинг қайта очилиши ва айни пайтда эстониялик контрразведкачининг ўз худудидан ўғирлаб кетилиши тасодифий ҳолат эмас.

«Бу билан Россия бошқаларга ишорат бермоқчи. Бунинг Россиянинг собиқ мустамлакаларни кўрқитишга қаратилган ҳаракати дейишимиз мумкин», — дея таъкидлайди таҳлилчи.

1944 йилдаёқ америкалик дипломат Жорж Кеннан Россияга қўшни бўлган барча давлатлар икки гуруҳга — вассаллар ва душманларга бўлинишини таъкидлаанди.

«Бугун биз ўша кунларга етиб келдик», — дейди таҳлилчи Times газетасига берган интервьюсида.

УХХ ахборот бўлими

Русларнинг одамгарчилиги текширилди. Натижа ҳайратланарли

Агар соғлиғингиз мустаҳкам бўлмаса ва кўчада бирданига аҳволингиз ёмонлашиб қоладиган бўлса, Россияда яшамаганингиз маъқул. Чунки бу ерда ҳеч ким сизга ёрдам қўлини чўзмайди — одамлар шунчаки атрофингиздан ўтиб кетаверишади.

Бироқ америкаликларда одамгарчилик бор халқ. Бу халқ вакиллари яқинларига ёрдам бериш учун ҳар қандай ишини ташлашга тайёр. Бундай хулоса ғайриоддий ижтимоий тажриба ўтказишга қарор қилган Rakatak-аfo гуруҳи пранкерлари томонидан билдирилди.

Тажриба моҳияти шундан иборатки, иккита иштирокчи — биттаси россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида, иккинчиси эса — американинг Майами шаҳридаги жамоат жойларидан бирида соғлиги билан боғлиқ муаммолари бор одам образини шакллантирди.

Тажриба ташкилотчилари йўловчилардан нечтаси «бемор» ёрдам қўлини чўзишини бўйича вақт ҳисобида статистика олиб боришди. Бутун жараён яширин камера орқали тасвирга олиб борилди.

Санкт-Петербурглик тажриба иштирокчиси, агар ҳақиқатан ҳам соғлиғи билан боғлиқ жиддий муаммолари бўлганида шубҳасиз Нева бўйидаги шаҳар кўчаларидан бирида ҳаётдан кўз юмган бўларди. Бир ярим соат мобайнида ерда ётаркан у фақат бепарво йўловчиларнинг атрофидан ўтиб кетаётганини кузатди. Натижада шунча вақт ўтиб фақат биргина қиз тажриба иштирокчисининг соғлиғи билан қизиқди.

Американинг Майами шаҳрида эса бутунлай тескари манзара кузатилди. Тажриба иштирокчисининг ҳаттоки тўлиқ бир дақиқа ҳам ерда ётишига тўғри келмади: йўловчилар дарҳол унинг ёнига келиб ўз ёрдамларини таклиф қилишди.

Ҳаттоки икки ўриндиққа эга бўлган велосипед эгаси уни текинга уйига олиб бориб қўйишни таклиф қилди.

Тажриба хулосаси руслар учун жуда ачинарли: россияликларни атрофидагиларнинг ҳаёти умуман қизиқтирмайди. Эҳтимол уларнинг маданиятли одамлар учун тушунарси бўлган халқаро саҳнадаги ҳаракатларининг сабаби ҳам айнан маъна шундандир.

УХХ ахборот бўлими



Биз — эркаклар

Мустақилликнинг ўтган йигирма уч йилида, Аллоҳнинг инояти билан Каримовнинг омонсиз тигига чап берган хомила, она қорнида навбатдаги муаммога дуч келади. Тўйиб овқат емаган, эри қайсидир бир хорижий ўлкага иш излаб кетиб, болаларининг турлитуман хархашаларидан силласи қуриган онаизорнинг ичига чироқ ёкса ёрмайди. Давр бўронларидан вайрон бўлган боғу бўстонлардаги барча кўнгил кушлари адолатсизлик босқини тарафидан бадарға қилинган файзи-шукухларга эргашиб, қайларгадир учиб кетгач, қуриб-қақшаган дарахтлар шоҳида президент Каримовнинг — Бойқушалининг биттагина ўзлари қолганлар.

Онаизорнинг қулоқларига Худо берган кун тинмасдан чалиниб турадиган Бойқушалининг қуруқ ва кўнгилни оздиргучи овози кўрғошиндек куйилиб, руҳини мажруҳ этади, турмуш етар-етмасликларидан ярадор юрагини, баттар қонларга тўлдиради. Чорасиз аёл тонг сахар уйқудан кўзини очиб ҳам, ишлагани далага чиқиб ёхуд мол-ҳолларининг тагини супуриб-сидира туриб ҳам Мустақилликка бағишлаб айтилаётган кўшиқларни, тараққиёт ҳақидаги ёлғон-яшриклар ва Каримовнинг мисли кўрилмаган раҳномалиги остида шахдам қадамлаётган Ўзбекистон ҳақидаги бемаза шалдир-шулдурларни тинглайди.

Бутун борлиқни Каримовнинг хоши-иродаси қамраб олган. Мамлакат президенти сифатида,

унинг ўзи ҳам, иддаолари ҳам бир чақага арзимас бўлсада, барча уни тинглашга, унинг йўриғидан юришга мажбур. Туни билан чордоқдаги хўроз Бойқушалининг номини айтиб кичкиради, итлар уни деб ҳуриб, эшаклар уни деб ханграйдилар. Мушуклар тонг отгунча, унинг номидан одамларнинг ҳаловатини бузиб, ёқимсиз товушлар чиқариб юракларга ғашлигу нохушликлар солиб чиқадилар. Қароқчилар унинг яроксиз бошқаруви шарофати билан миллатнинг соҳир қарвонларига ҳужум уюштириб, ўғрилар унинг номи билан ўзбекнинг бахтини ўғирлайдилар. Ҳожатхонадаги ғуж-ғуж паша-чивинлар унинг номини айтиб нажосатга қўнади, қурт-қумурсқалар уни дея, ғумбакларини ёрадилар, уни деб қанот чиқариб, уни деб учишни амалга оширадилар.

Бутун матбуотда, минбарлару Оқ сарой-қора саройларда, ҳашаматли тўйхоналар ва ҳатто Алоҳнинг уйи бўлмиш масжиду мадрасаларда ҳам унинг даранг-дурингги, баландпарвоз ва асоссиз гаплари ҳукмрон. Қудуққа ташланган челақ сувсиз қайтиб чиқади. Бутун бошли ўзбекнинг қўлида таги тешиқ челақ. Дарё пишкириб оқади, одамлар обирахматнинг бошида туриб ҳам, Аллоҳнинг раҳматидан баҳраманд бўлолмайдилар.

Таги тешиқ челақ — Бойқушали сийқаси чиққан эски кўшиғини куйлайди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

У шу кўшиқдан бошқасини билмайди, янғисини ўрганишга эса ҳеч қачон уринмайди. Ё бўлмаса, халққа тағи бутун челаққа кўл чўзишга ҳам имкон бермайди. Адолатни, маърифатни соғинган одамлар, шундоқ оёғи остидаги пишқириб оқаётган дарёга яқинлаша олмай, неча-неча чакирим наридаги кўни-кўшнларникига ўймоқ – ангишивона кўтариб югуради. Замон, замон тағи тешик челақнинг замони. Бутун Ўзбекистонда санъат аҳллари ва ўзларини зиёли деб кўрувчилар йўлларини йўқотгач Яратганни унутиб, унинг – тешик челақнинг ишқига тушганлар.

Шон-шуҳрат касаллиги уларни адо этиб, барчалари ялтоқланиш маразига гирифторм бўлганлар. Унинг рус империясини парчалаб, ўзбек халқини озодликка эриштирганлиги хусусидаги курақда турмайдиган чўпчаклар боладайвериб, шу каби бемаъно иддаоларга кулоқ тутиб яшаш халқнинг кундалик турмуш-тарзига айланиб қолган. Гўё, унинг собиқ республиқлар орасида ўзини биринчи бўлиб “президент” деб эълон қилгани, СССРнинг парчаланишига ва ўн беш республиқнинг мустақиллик олишига сабаб бўлган экан. Ўзбекистонга бошқа собиқ Совет республиқалари каби Горбачев Ошқоралиги – русларнинг ўзлари озодлик берганини ҳеч кимнинг тан олғиси келмайди. Тўрт тарафдан, “Бизни Каримов озодликка эриштирди. Мустақиллик туфайли бахтимизни топдик.

“Мухтарам”имиз бизлар учун ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйганлар. Осмонимиз мусаффо, хушёрлик ва огоҳлик – давр талаби! Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам ҳам бўлмаймиз, ўз уйингни ўзинг

асра!” деган овозлар эшитилади. Барча-барчанинг тилида, Шўролар давридаги нисбатан “тўкин-сочин” ҳаёт ҳақидаги эътироф бўлса ҳам, улар Мустақилликнинг бедодликлари туфайли русларнинг босқинини кўмсаётган бўлсалар ҳам, ўзларини Аллоҳ берган буюк неъмат – Мустақилликдан бездирган Каримов – тешик челақ хусусида, лом-мим демайдилар.

Кўрқоқликлари ва бир-бирига ишонмаганлари боис, бутун фуқаро ёлғонлар ва риёлардан тикланган сароблар мамлақатида яшайдилар. Улар, барча-барчаси ёлғон бўлса ҳам, “ҳолва”, “ҳолва” деган билан оғиз чучимаслигини билсалар ҳам, доғули кечадаги шамнинг ўқуни каби умиднинг ичларини ёритиб турганлиги туфайли, ўзларини авраб ёруғ кунлар ишончи билан ўзларини овутадилар.

Шижоат ўлғач, ҳар куни ичдаги душман билан озодлик ва хурлик учун кураш ва қонли жанглар олиб борилмагач, Каримов каби ношуд душман ҳам ҳар бир шахснинг руҳий чегараларини ишғол этиб, зоҳирий оламини вайрон, ичдаги тирик хотиранинг тарихий захираларини гумдон этаверади. Миллат ҳар куни ўтмишда бино бўлган бир неча маънавий қасрларини ўзи билмас қўлидан бой бериб, келажагини суистеъмол қилиб кунини ўтказиб юраверади...

Бу барчаси қасрига аёллар ва болалар талофат берадилар. Она юраги остидаги хомила тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соатни ўтказгунча она билан бирга изтироб тартади, она билан очқаб, замонанинг бедодликлари жабридан она билан ўтириб йиғлайди.

Унинг ҳар мисқолида, Каримов режимининг адолатсизликлари ва ёлғон-яшиқлари флешкага ёзилган каби ёзилиб қолади. Аросат деб аталмиш Каримовдан

юққан касаллик уни ўлғунича таъқиб этади. Биз уч-тўрт аср илғари ҳам, мана шу каби хонлар ва амирларнинг жоҳиллиги ва очофатлиги қасридан дунё тамаддунидан айро тушгандик. Мана шу қабиларнинг жабридан бўри каби б и р - б и р и м и з н и ғажиб, ўзимиздан паст халқларга

мустамлақа бўлган эдик. Қарам бўлиб дину диёнатимиздан, касби-қор, сарватимиздан айрилган эдик. Бугун Горбачев Ошқоралиги туфайли елкамизга офтоб тегиб, Мустақиллигимизни қўлга киритганимиздан, у даврлардаги шоҳ ва султонлардан ҳам бешбаттарига дучор бўлдик. Демак-ки, биз ўзимизни тузатмасак, бизни на Аллоҳ алқайди, на шоҳлар йўлга сола олади.

Икки қизини эплаб тузук таълим-тарбия бера олмаган Каримовдек бир кас хусусида, оғиз очмаса ҳам бўлади. Биз унинг қасрига бугун бутун дунё бўйлаб сочилиб кетган эканмиз, ўзга миллат вақиллари ва ғайридинларнинг эрқакларининг аёллари ва болаларига қанақанги меҳрибон ва жонқуярлигини кўриб турибмиз. Уларнинг президентлари, уларнинг оилаларига ва жамиятларига, дину диёнатларига Каримовнинг мингдан бир талофатини етказса, уларнинг президентларини ўша куннинг ўзида, чавақлаб ташлашларини ҳам яхши биламиз.

Бизларнинг хотинларимиз ва болаларимизнинг сочлари супурги, қўллари қасов, қора меҳнатга гирифторм бўлган шу кунларда, уларнинг хотинлари ва болалари тоза кийинган, таълим-тарбияси жойиди, боғдаги қизил гулдек ял-ял очилиб-сочилиб юрганини ҳар кун кўрамиз.

Ўшаларнинг рудда ўтириб, болаларини боғча ёхуд мактабга олиб кетаётганини кўриб, хўрликдан ичимиздан бир ниманинг узилиб кетганини ҳис қиламиз. Чунки, барчаси Каримовнинг истибдоди туфайли ва бизнинг меҳнатимизнинг орқасидан эканлиги аён бўлғач, юрагимиз оғриб, борлигимизни ҳамиятмиз қурт каби кемиради.

Бизларнинг хотинларимиз, аслида дунёдаги энг гўзал аёллар эканлигини билмаймизми?

Уларни Каримовнинг балосига, оғир меҳнатга, турмуш инжиқликларига ташлаб қўйиб, хору зор қилганлар биз эрқаклар эмасмизми?!

(Давоми бор)
Эргаш Сулаймон



“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt
Мухаррир: Замир Малик